

ХУСУСИЙ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ ШАРТНОМАСИ

Қўлдашев Искандарбек Хасанович

Андижон вилояти ИИБ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17412283>

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 364-моддаси биринчи қисми мазмунидан хулоса қилиш мумкинки, шартнома нарсаси (предмети) – қонун билан бевосита “асосий (муҳим) шарт” сифатида белгиланган ягона шарт ҳисобланади. Айнан предмет шартноманинг ҳуқуқий табиати ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги ўрнини белгилаб беради. Бизнинг фикримизга кўра, хусусий мулк объектларини муҳофаза қилишга оид шартнома хизмат кўрсатишнинг ҳақ эвазига амалга ошириладиган турига киради. Шу сабабли, предмет шартномада кўрсатилган қўриқлаш хизмати мазмунини очиб берувчи ҳуқуқий категория сифатида намоён бўлади. Предмет ва ижрочининг ҳаракатлари тизими яхлитлик ва хусусийлик нисбатида намоён бўлади.

2022 йил 15 июндаги ЎРҚ-778-сон сонли “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида” ги Қонун (кейинги ўринларда – ЎРҚ-778-сон Қонун)да қўриқлаш шартномаси мазмунига доир айрим қоидалар баён этилган. Ушбу қонуннинг мазмунинидан англашилишича, қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада тақдим этиладиган хизматларнинг тури ва уларнинг мазмуни аниқ баён этилиши лозим. Одатда қўриқлаш хизматларининг қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) хусусий мулк, эгалик, фойдаланиш, хўжалик юритиш, оператив бошқарув ёки ишончли бошқарув асосида бўлган объектларни (шу жумладан уларни ташиш жараёнида) муҳофаза қилиш;

б) махсус техника воситаларини ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва уларнинг сигналларига жавоб қайтариш чораларини назарда тутган ҳолда объектларни муҳофаза қилиш.

Оддий қилиб айтганда, хизмат мазмуни – бу ижрочи томонидан белгиланган натижага эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳаракатлар мажмуасидир.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида қўриқлаш шартномаси предметига оид бир нечта таърифлар мавжуд. Масалан, Н.П. Волошиннинг фикрига кўра, бундай шартнома предмети “қўриқладиган мол-мулк қийматларининг бутлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида пост ва навбатчилик хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш”дан¹ иборатдир.

Е.Д. Шешенин эса шартнома предметини “идорага қарашли бўлмаган қўриқлаш хизмати томонидан белгиланган объектларни қўриқлаш фаолияти кўринишидаги хизматлар”² сифатида таърифлайди. Ҳозирги шароитда бундай хизматлар ЎРҚ-778-сон Қонуннинг 9-моддасига кўра давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалари; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари; идоравий қоровуллик бўлинмалари

¹ Волошин Н.П. Договор об охране объектов силами вневедомственной сторожевой охраны при органах милиции: Учебное пособие. – М.: Высшая школа МООП РСФСР. 1962. – 6-7 с.

² Шешенин Е.Д. Договор на оказание услуг организациями вневедомственной сторожевой охраны // Сборник ученых трудов. – Свердловск: Сред.-Урал. кн. изд-во. 1964. Вып. 4. С. 299-322.

(кейинги ўринларда – қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар) томонидан кўрсатилади. Шу билан бирга қўриқлаш фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида жисмоний шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, машҳур шахс ўзи учун тансоқчи ёллаши мумкин. Шунинг учун шартнома предмети фақат қўриқлаш фаолияти эмас, балки буюртмачининг ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ҳам ўз ичига олади.

Айрим ҳуқуқшунослар, қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан мулкни қўриқлашга оид шартномани ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига киритмасдан, унинг предметини қуйидагича изоҳлайдилар: бу “қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан тадбиркорликка оид бўлмаган, давлат томонидан юклатилган функциялар доирасида, бироқ белгиланган тўлов эвазига амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Шунингдек, мазкур функцияларга боғлиқ ҳолда қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳам шу доирада қаралади, уларнинг мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни эҳтимолий ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза қилиш ҳисобланади”³ деб қайд этилади.

Шунингдек, муаллиф таъкидлайдики, мазкур шартнома тузилишида икки хил ҳуқуқий табиатга эга элементлар мавжуд: 1) ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятининг анъанавий ҳуқуқий модели; 2) амалиётда мавжуд бўлиб, бироқ қонунчиликда алоҳида шартнома тури сифатида ажратилмаган – давлат функцияларини бажаришга оид шартномавий муносабатлар⁴.

Шундай қилиб, муаллиф келтирган хулосалар қуйидаги асосларга таянади:

- биринчи навбатда, ички ишлар органлари тизимидаги қўриқлаш бўлинмаларининг асосий фаолияти тижорат мақсадини кўзламайди;
- иккинчидан, иқтисодий фаолиятнинг айрим шакллари, агар у ижтимоий функцияларни амалга оширишга йўналтирилган бўлса ва жамоат манфаатларига тегишли бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш механизми доирасида, бироқ айрим ҳолларда оммавий ҳуқуққа хос воситалардан (масалан, шартномани бажариш давомида ўқотар қуролдан фойдаланиш ваколоти) ҳам фойдаланиши мумкин.

Бироқ, бизнинг фикримизча, мазкур ёндашув тўлиқ маъқул этиб бўлмайди. Биринчидан, ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари фаолиятининг тижорат хусусиятига эга эмаслиги тўғрисидаги далил шартнома табиати ва унинг предметини белгилашда ҳал қилувчи мезон бўла олмайди. Бинобрани нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик ишларини фақат улар ташкил этилган мақсадларга эришишга хизмат қилган тақдирда амалга оширишлари мумкин ҳисобланади.

Ҳозирги кунда нотижорат ташкилотларига даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишга ҳуқуқ берилган. Бу эса, улар томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатиш амалиётининг фуқаролик-ҳуқуқий табиати борлигини яна бир бор тасдиқлайди.

³ Линева А.Н. Гражданско-правовая характеристика договора на охрану имущества подразделениями органов внутренних дел: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – 52 с.

⁴ Линева А.Н. Гражданско-правовая характеристика договора на охрану имущества подразделениями органов внутренних дел: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – 54 с.

Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонунининг 4-моддасига кўра ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида “давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш” белгиланган бўлса, 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон қонуннинг 3-моддасида миллий гвардиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида ҳам айнан қўрилаш назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, бундай фаолият, ҳуқуқий моҳиятидан келиб чиқиб, классик маънода тадбиркорлик фаолияти сифатида баҳоланмайди. Шу билан бирга, ИИБ ва МГ таркибига кирувчи қўриқлаш бўлинмалари, шу жумладан уларнинг ҳудудий филиаллари учун мулкни фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар асосида шартнома тузиб муҳофаза қилиш асосий амалий йўналиш ҳисобланади [5]. Мазкур қўриқлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида амалга ошириладиган мол-мулкни муҳофаза қилиш фаолияти қонун нуқтаи назаридан даромад келтирувчи асосий фаолият тури сифатида эътироф этилиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим давлат функциялари шартнома тузилган-тутилмаганидан қатъи назар амалга оширилади. Давлат органлари қонун билан юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида муайян турдаги хизматларни таклиф этади ва бундай хизматни амалга ошириш учун, қоида тариқасида, мурожаат аризаси тақдим этилиши кифоя қилади.

Ўқ отар қуроллардан фойдаланувчи юридик шахслар билан тузиладиган шартномалар мисоли бунга далил сифатида келтирилади. А.Н. Линёв бундай шартноманинг ўзига хос белгиси сифатида оммавий ҳуқуқ нормаларига хос воситалардан фойдаланилишини қайд этади. Бироқ таъкидлаш лозимки, идоравий қўриқлаш фақат қурол айланмаси билан боғлиқ ташкилотлар билан эмас, балки ҳар қандай мулкний хавфсизликка муҳтож юридик ёки жисмоний шахслар билан ҳам шартнома тузиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳуқуқий табиат фарқ қилади: қурол айланмасини назорат қилиш функцияси билан боғлиқ шартномаларда давлат назорати устун туради, мулкни қўриқлашга оид шартномаларда эса фаолият тўлиқ хусусий ҳуқуқий муносабатлар асосида амалга оширилади, бироқ ҳар икки ҳолда ҳам муҳофаза вазифаси мавжудлигича қолади.

Шартнома тузилгандан сўнг хусусий қўриқлаш тузилмаси ёки идоравий қўриқлаш бўлинмалари шартномавий мажбуриятларни амалга ошириш учун аниқ амалий ҳаракатларни бажаради. Бундай ҳаракатлар қаторига объектни муҳофазага қабул қилиш ва уни топшириш, буюртмачи хонадон ёки биносида ўрнатилган сигнализация воситалари устидан мунтазам кузатув олиб бориш, техник хизмат кўрсатиш, объект атрофида патрул кузатувини амалга ошириш, хавф сигнали келиб тушган ҳолда белгиланган вақт ичида полиция навбатчи гуруҳини жойига чиқариш кабилар киради. Шу билан бирга, шартноманинг иккинчи ҳуқуқий элементи – буюртмачининг кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда ҳақ тўлаш мажбурияти ҳисобланади.

Амалий ҳолатларда тузилган айрим шартномаларда предмет қуйидагича баён этилади: “ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра, ҳақ эвазига буюртмачига тегишли

объектлар ва улардаги мол-мулкни муҳофаза қилиш хизматларини амалга оширади..., буюртмачи эса ижрочининг хизматлари учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўловни амалга оширади”⁵. Яна бир шартномада эса бундай формулировка келтирилган: “Буюртмачи топширади, ижрочи эса буюртмачи манзилида жойлашган хонадон ёки бошқа бинонинг сигнализация тизимидан келадиган “хатар” хабарларини қабул қилиш каналини назорат қилади ва полиция навбатчиси гуруҳининг тезкор чиқишини таъминлайди ҳамда буюртмачининг шахсий хавфсизлиги ва (ёки) унинг мол-мулкига тажовуз қилиш ҳолатларига дахлдор шахсларни ушлаш чораларини кўради” ва шу каби ҳуқуқий баёнлар шартнома предметининг мазмунан шаклланганлигини кўрсатади.

ФКнинг 364-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, шартнома предмети тўғрисидаги шартдан ташқари, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу турдаги шартномалар учун мажбурий деб эътироф этилган шартлар ҳам шартноманинг муҳим шартлари қаторига киради. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз буюртмачалари билан тузадиган шартномада хизматлар қиймати ёки уни белгилаш тартиби акс эттирилиши лозимлиги қайд этилган. Бироқ ЎРҚ-778-сон қонун матнида “шартнома баҳоси” атамаси алоҳида тилга олинмаганини таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, “хизмат қиймати” ва “шартнома баҳоси” тушунчаларини бир-биридан ҳуқуқий жиҳатдан фарқлаш муҳим. Хизмат қиймати – бу уни бажариш учун сарфланган харажатлар мажмуаси бўлиб, одатда хизмат кўрсатиш давомийлиги (соат, сутка, ой) бўйича ҳисобланади. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар бу қийматни ўзлари мустақил белгилайдилар, идоравий қўриқлаш бўлинмалари эса тегишли органлар томонидан тасдиқланган прејскурантлар асосида ҳисоб-китоб олиб боради. Мулкни қўриқлаш бўйича ҳар бир алоҳида шартнома нархи эса индивидуал тарзда белгиланади ва қатор мезонларга боғлиқ бўлади: кўрсатиладиган хизмат тури ва сони, объектнинг ижрочи ташкилотдан масофаси, объект муҳофазасига жалб этиладиган ходимлар сони, қўриқлаш режими (қуролланган ёки қуролланмаган тарзда). Бундан ташқари, шартнома нархи фақат харажатларни эмас, балки ижрочининг фойда олиш манфаатини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, хизмат қийматини шартноманинг муҳим шarti сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди, чунки у бозордаги амалдаги тарифлар (агар ижрочи сифатида хусусий қўриқлаш тузилмаси иштирок этса) ёки тегишли органлар томонидан тасдиқланадиган прејскурантлар (агар ижрочи сифатида идоравий қўриқлаш бўлинмаси иштирок этса) асосида аниқланиши мумкин. Шунинг учун қонунчиликда даражасида хизмат қийматини келишиш ёки уни белгилаш тартибини мажбурий шарт сифатида кўрсатиш талабини мақсадга мувофиқ деб бўлмайди, ва уни ҳуқуқий-матний нуқтаи назардан чиқариб ташлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Амалда қўлланилаётган қонунчиликка биноан, объектларни қўриқлаш тўғрисидаги шартномаларда баҳо мажбурий келишилиши лозим бўлган муҳим шарт сифатида тан олинмаган. Биз бу ҳуқуқий ёндашувни мақбул деб биламиз ва агар шартнома матнида хизмат нархи акс эттирилмаган бўлса, бундай ҳолатда ФКнинг 356-

⁵ Форма: Договор об оказании услуг по охране объектов недвижимого имущества (с условием о ежемесячной оплате услуг исполнителя) // Подготовлен ООО «Юринформ В» для системы КонсультантПлюс. 2016. (дата обращения: 05.05.2016)

моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолида қўлланилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, хизматлар шартномалари, жумладан қўриқлаш шартномаларида нархни муҳим шарт сифатида эътироф этиш масаласи суд амалиёти ва юридик доктринада баҳсли масала ҳисобланади. Масалан, Самарқанд шаҳридаги Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги идоравий қўриқлаш бўлими томонидан шартнома бўйича кўрсатилган хизматлар учун қарздорликни ундириш ҳақида берган даъво аризасини кўриб чиқар экан, ФКнинг 356-моддаси тўртинчи қисми нормалари 703-модда билан узвий боғлиқ ҳолда талқин қилиниши лозимлигини таъкидлаб, хизмат кўрсатиш шартномасида нарх кўрсатилмаган тақдирда ҳам шартнома амалсиз деб ҳисобланмаслиги тўғрисида ҳулосага келган.

Қўриқлаш шартномасини ўрганган ҳуқуқшунослар орасида устувор фикр шундан иборатки, бундай шартномада нархни келишиш шартноманинг муҳим шартларидан бири сифатида баҳоланиши лозим. Муаллифлар бу нуқтаи назарни бир қатор далиллар билан асослайдилар:

- а) қўриқлаш шартномаси ҳуқуқий табиатига кўра ўзаро мажбуриятларни назарда тутувчи ва тўлов эвазига бажариладиган шартнома ҳисобланади⁶;
- б) қонунчиликда хизмат кўрсатиш мажбурияти буюртмачининг хизмат учун ҳақ тўлаш мажбурияти билан узвий боғланган ҳолда баён этилган⁷;
- в) ФКнинг 705-моддасига мувофиқ, қўриқлаш хизмати тўлови шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилиши лозим⁸;
- г) баҳо шартномавий муносабатларда барқарорлик ва ҳуқуқий аниқликни таъминлайдиган восита сифатида муҳим аҳамиятга эга⁹.

Шу билан бирга, қатор юристлар нархни шартноманинг муҳим шarti деб ҳисобламайди ва ФКнинг 636-моддаси биринчи қисми ҳамда 356-моддаси тўртинчи қисмига таянган ҳолда шартномада нарх келишилмаган бўлса, хизмат учун тўлов одатда ўша хилдаги хизматлар учун қўлланиладиган қиймат асосида амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайдилар¹⁰.

Бироқ, ФКнинг 356-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган ушбу ҳолида қўриқлаш шартномаларида қўлланилиши мумкин эмаслиги ҳақида қарама-қарши фикр ҳам мавжуд. Бу нуқтаи назар тарафдорлари қўриқлаш шартномасининг ҳар бири муфассал индивидуал хусусиятларга эга эканлиги, хусусан, муҳофаза қилинаётган мол-мулк қиймати, қўриқлаш объектининг хавф даражаси, қўриқлаш усули, ташқи омилларнинг таъсири каби мезонлар ҳар бир шартномада турлича намоён бўлишини таъкидлайдилар¹¹.

⁶ Гришмановский Д.Ю., Тищенко А.В. Правовой анализ договоров по оказанию возмездных услуг частными охранными предприятиями и подразделениями вневедомственной охраны. Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ. 2013. – 60 с.

⁷ Сухоруков В.А., Мелихов В.М., Шаронов С.А. Юридическая природа договора охраны имущества и его место в системе предпринимательских рисков. – Волгоград: Волгоградское научное издательство. 2008. – 113 с.

⁸ Шмаков Н.В. Вопросы реализации гражданско-правовых средств охраны и защиты права собственности в деятельности органов внутренних дел: Монография – Хабаровск: Дальневосточный юридический институт МВД России. 2009. – 71-72 с.

⁹ Литвинова М.А. Договор на охрану имущества: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Белгород, 2007. – 91 с.

¹⁰ Мильков А.В. Договор охраны по российскому гражданскому праву: монография. – М.: Учебная литература. 2007. – 74 с.

¹¹ Литвинова М.А. Договор на охрану имущества: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Белгород, 2007. – 91 с.

Дарҳақиқат, хусусий мулк объектларини муҳофаза қилиш шартномаларида “қиёсланадиган ҳолатлар” мавжудлигини исботлаш тарафлардан бири учун жуда қийин кечиши мумкин. Ҳар бир объектнинг ўзига хос жиҳатлари бор, улар қўриқлаш усулини, иш ҳажмини ва қўриқлаш ташкилоти учун хавф даражасини белгилайди. Бироқ шуни инкор этиб бўлмайдики, қиёслаш асосини топиш муаммоси фақат қўриқлаш шартномаларига эмас, балки бошқа турдаги шартномаларга ҳам хос бўлиб, бу умумҳуқуқий категория ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, хусусий мулк объектларини муҳофаза қилиш шартномасида буюртмачи учун техник хизмат қийматини ҳисоблаш усулини эмас, балки шартнома нархининг ўзида акс эттирилиши муҳимроқдир. Чунки шартнома доирасида фақат бир хил хизматнинг белгиланган муддат давомида кўрсатилиши эмас, балки бир нечта хизматлар мажмуаси (масалан, уйни марказлаштирилган пултга улаш, кундузги видеокузатув ва тунги патрул хизмати) ҳам назарда тутилиши мумкин. Бундай шароитда кейинчалик умумий хизмат қўламини ва уларнинг умумий қийматини аниқлаш жиддий қийинчилик туғдиради. Шу сабабли, хизматлар қиймати ва уни ҳисоблаш усули шартнома нархини шакллантиришда техник аҳамиятга эга бўлган ёрдамчи категориядир, аммо шартнома матнида айнан нархнинг ўзи белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Юристар қўриқлаш шартномасининг амал қилиш муддати ва мажбуриятларни бажариш муддати тушунчаларини фарқлаш зарурлигини ҳам таъкидлайдилар¹². Мавжуд қонунчиликка кўра, хизмат кўрсатиш шартномасининг амал қилиш муддати унинг муҳим шартларидан бири сифатида тан олинмаган. ФКнинг 38-боби моддаларида шартнома амал қилиш муддати ҳақида тегишли норма мавжуд эмас. Биз бу ҳуқуқий ечим модел характерга эга умумий шартномавий конструкциянинг ўзига хос хусусияти эканини қайд этамиз ва ҳар бир алоҳида шартнома турини таҳлил қилиш орқали муҳим шартлар доирасини аниқлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Қўриқлаш шартномасига бағишланган махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам шартнома амал қилиш муддати алоҳида муҳим шарт сифатида белгиланмаган.

ФКнинг 242-моддасидаги қоида шартноманинг амал қилиш муддати шартнома матнида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам уни аниқлаш имконини беради. Демак, ушбу шарт қонун нуқтаи назаридан тўлдирилиши мумкин бўлган (қўшимча) шартлар тоифасига киради. Агар муайян шартнома тури учун қандайдир шарт қонун ёки бошқа норматив ҳужжатларда муҳим шарт сифатида аниқ кўрсатилмаган бўлса, умумий фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар назариясига асосланиб, ушбу шартни тўлдириб бўлмайдиган шарт сифатида баҳолаш учун асос йўқ бўлса, бундай ҳолда қонунчиликда уни муҳим шарт сифатида эътироф этишнинг ҳуқуқий зарурати мавжуд эмас, деб ҳисоблаш мумкин. Шу асосда айтиш мумкинки, хусусий мулк объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги шартномаларда амал қилиш муддати шартноманинг муҳим шарти деб тан олинмаслиги керак.

Амалиётда одатда хусусий мулк объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги шартномалар вневедомственная охрана бўлинмалари билан бир йил муддатга тузилади. Масалан, 2023 йил 17 декабрда тузилган 13/13-сонли шартноманинг 9.1-

¹² Мильков А.В. Договор охраны по российскому гражданскому праву: монография. – М.: Учебная литература. 2007. – 76 с.

бандида шартнома “1 йил муддатга тузилади ва 2024 йил 1 январдан кучга киради” деб белгиланган. 9.2-бандда эса, агар шартнома муддати тугашидан бир ой олдин тарафлардан ҳеч бири шартнома бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳақида талаб киритмаса, шартнома худди шу муддатга автоматик равишда узайтирилган деб ҳисобланиши қайд этилган.

Худди шундай тартиб 2023 йил 6 майда “Бизнинг Клиника” ва Тошкент вилояти бўйича ИИБ ўртасида тузилган шартномада ҳам акс этган. Унда шартнома “бир йил муддатга тузилади ва агар муддат тугашидан бир ой олдин тарафлардан бири уни бекор қилишни талаб қилмаса, шартнома аввалги шартлар асосида худди шу муддатга автоматик тарзда узайтирилади”, деб кўрсатилган.

Суд амалиётида айрим ҳолларда қўриқлаш шартномасида муддатни муҳим шарт сифатида баҳолаш зарурлиги ҳақидаги позициялар учрайди. Бироқ бу каби ҳулосалар ҳуқуқий асос билан мустаҳкамланмаган бўлиб, нега айнан муддат муҳим шарт сифатида эътироф этилиши кераклиги батафсил асосланмаган.

Қўриқлаш шартномасига бағишланган илмий ишлар муаллифларининг кўпчилиги шартнома муддатини муҳим шарт деб ҳисобламайдилар. Улар ўз фикрларини қуйидагича асослайдилар: шартнома амал қилиш муддати унинг ҳуқуқий табиати ва тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмайди¹³; ФКнинг 705-моддаси биринчи қисмидан ҳам хизмат кўрсатиш шартномасида муддат албатта кўрсатилиши кераклиги деган ҳулоса келиб чиқмайди¹⁴.

Шуни таъкидлаш керакки, хусусий мулк объектларини муҳофаза қилиш шартномасида муддат буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун қайси давр учун тўлов амалга оширилишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, ушбу шарт шартноманинг функционал аҳамиятига эга бўлган шарт сифатида қаралиши мумкин, бироқ уни юридик маънода “муҳим шарт” сифатида баҳолаш ҳар доим ҳам тўғри эмас.

“Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунга кўра, шартнома матнида хизмат кўрсатиш муддатлари акс эттирилиши лозим. Демак, амалдаги қонунчиликда қўриқлаш хизмати кўрсатиш муддати муҳим шарт сифатида эътироф этилади, деб ҳулоса чиқариш мумкин. Бироқ айрим судлар бундай шарт қўриқлаш шартномалари учун муҳим ҳисобланмаслиги ҳақида фикр билдирганлар, лекин бу позициялар қонун нормаларига зид келади.

Шу билан бирга, шартнома амал қилиш муддати доирасида ижрочининг ҳар бир ҳаракати учун алоҳида бажариш даври белгиланиши мумкин. Масалан, дача участкалари жойлашган ҳудудда патрул хизматини амалга оширишда шартнома матнида “патрул кузатуви тунги соат 00:00 дан 02:00 гача амалга оширилади” деб кўрсатилиши мумкин; дўкон биноларини марказий сигнализация пультага улашда эса “дўкон 22:00 да пульта уланади ва 10:00 да қўриқлашдан чиқарилади” деган техник режим белгиланиши мумкин.

¹³ Мильков А.В. Договор охраны по российскому гражданскому праву: монография. – М.: Учебная литература. 2007. – 74 с.

¹⁴ Морозумов Р.Н. Правовое регулирование возмездно-го оказания услуг вневедомственной охраны: монография. – Екатеринбург: Уральский юридический институт МВД России. 2013. – 67с.

Бироқ савол туғилади: барча турдаги қўриқлаш хизматлари учун шундай аниқ вақт чегараларини шартнома матнида назарда тутиш мумкинми?

Хусусий мулк объектларини муҳофаза қилиш шартномасида айрим ҳолларда хизматлар кўрсатишнинг аниқ муддатлари эмас, балки уларнинг даврийлиги (давомийлиги) кўрсатилиши мумкин. Шунини таъкидлаш зарурки, амалдаги қонунчиликка кўра бундай шартномада айнан хизмат кўрсатиш муддатлари белгилаб қўйилиши керак, даврийлик эмас. Бироқ, ишбилармонлик амалиёти нуқтаи назаридан қаралганда, айрим ҳолларда айнан даврийликни кўрсатиш шартнома тарафларининг манфаатларига кўпроқ мос келади. Масалан, квартирага ўрнатилган сигнализация ускуналарининг техник ҳолатини текшириш хизматини бажарадиган мутахассис (уста) бу ишни ҳар ой ёки ҳар чоракда амалга оширади. Бу ҳолда шартномада “текширув ҳар чоракда бажарилади” деган норма акс эттирилади, аммо текширув айнан қайси санада, қайси соатда амалга оширилиши аниқ кўрсатилмайди – масалан, “чоракнинг биринчи ойининг 15-куни соат 13:00 дан 14:00 гача” деган тарзда белгилаб қўйилмайди.

Яна бир мисол сифатида, кириш-чиқиш режими таъминланган ҳолда объектни муҳофаза қилиш бўйича шартномани кўриб чиқиш мумкин. Масалан, товар омбори эгаси омбор ҳудудига кириш учун назорат-ўтказув пункти ташкил қилади. Катта ҳажмдаги юк ташувчи транспорт воситалари тиқилиб қолмаслиги ва ҳаракат эркинлигини таъминлаш мақсадида шартномада бундай қоида назарда тутилади: агар омбор ҳудудига кириш учун транспорт орқама-орқа тўпланса, қўриқлаш хизматчиси ҳар бир транспорт воситасининг кириб-чиқишини алоҳида назорат қилиши лозим, бироқ навбатдаги автомашинани ҳудудга киритиш олдинги автомашина ҳудудни тўлиқ тарк этганидан сўнггина амалга оширилади.

Бу каби вазиятларда ҳар бир алоҳида хизматнинг бошланиш ва тугаш аниқ вақти шартнома матнида белгиланишининг имкони йўқ. Масалан, сигнализация ускуналарини чоракда бир марта текшириш мажбурияти бажарилгани учун текширув 15 февралда, ёки 1 март кунини ёки 4 июль ёки 5 август санасида ўтказилганининг аҳамияти йўқ – шартнома шартин бажарилган ҳисобланади. Худди шу тарзда, омбор ҳудудига транспорт воситаларини киритиш вақти ва ҳар бир юк машинасининг юк тушириш жараёни қанча вақт давом этиши олдиндан аниқ белгиланиши мумкин эмас.

Юқорида келтирилган асослардан келиб чиқиб, хусусий мулк объектларини муҳофаза қилиш шартномаларида хизмат кўрсатиш муддатлари мажбурий келишилиши лозим бўлган муҳим шарт сифатида эътироф этилиши тўғри бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Шу боис қонунчиликда хизмат кўрсатиш муддатларини мажбурий шарт сифатида қайд этувчи норма чиқариб ташланиши лозим.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Волошин Н.П. Договор об охране объектов силами вневедомственной сторожевой охраны при органах милиции: Учебное пособие. – М.: Высшая школа МООН РСФСР. 1962. – 6-7 с.
2. Шешенин Е.Д. Договор на оказание услуг организациями вневедомственной сторожевой охраны // Сборник ученых трудов. – Свердловск: Сред.-Урал. кн. изд-во. 1964. Вып. 4.С. 299-322.

3. Линев А.Н. Гражданско-правовая характеристика договора на охрану имущества подразделениями органов внутренних дел: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – 52 с.
4. Линев А.Н. Гражданско-правовая характеристика договора на охрану имущества подразделениями органов внутренних дел: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – 54 с.
5. Форма: Договор об оказании услуг по охране объектов недвижимого имущества (с условием о ежемесячной оплате услуг исполнителя) // Подготовлен ООО «Юринформ В» для системы КонсультантПлюс. 2016. (дата обращения: 05.05.2016)
6. Гришмановский Д.Ю., Тищенко А.В. Правовой анализ договоров по оказанию возмездных услуг частными охранными предприятиями и подразделениями вневедомственной охраны. Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ. 2013. – 60 с.
7. Сухоруков В.А., Мелихов В.М., Шаронов С.А. Юридическая природа договора охраны имущества и его место в системе предпринимательских рисков. – Волгоград: Волгоградское научное издательство. 2008. – 113 с.
8. Шмаков Н.В. Вопросы реализации гражданско-правовых средств охраны и защиты права собственности в деятельности органов внутренних дел: Монография – Хабаровск: Дальневосточный юридический институт МВД России. 2009. – 71-72 с.
9. Литвинова М.А. Договор на охрану имущества: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Белгород, 2007. – 91 с.
10. Мильков А.В. Договор охраны по российскому гражданскому праву: монография. – М.: Учебная литература. 2007. – 74 с.
11. Литвинова М.А. Договор на охрану имущества: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Белгород, 2007. – 91 с.
12. Мильков А.В. Договор охраны по российскому гражданскому праву: монография. – М.: Учебная литература. 2007. – 76 с.
13. Мильков А.В. Договор охраны по российскому гражданскому праву: монография. – М.: Учебная литература. 2007. – 74 с.
14. Мородумов Р.Н. Правовое регулирование возмездно-го оказания услуг вневедомственной охраны: моногра-фия. – Екатеринбург: Уральский юридический институт МВД России. 2013. – 67с.